

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**

DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РАДЖАБОВ НАСИР НАСИМОВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ВОКАЛИЗМ
СИСТЕМАСИНING ФОНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЧОҒИШТИРМА
ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

УДК: 811.111'342.41
811.512.133'342.41

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
philological sciences**

Раджабов Насир Насимович

Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм

системасининг фонологик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқи 3

Radjabov Nasir Nasimovich

The Contrastive-Phonological Study of the System of Vocalism in the English

and Uzbek languages 23

Раджабов Насир Насимович

Сопоставительно-фонологическое исследование системы

вокализма английского и узбекского языков 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

РАДЖАБОВ НАСИР НАСИМОВИЧ

**ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ВОКАЛИЗМ
СИСТЕМАСИНING ФОНОЛОГИК ЖИҲАТДАН ЧОҒИШТИРМА
ТАДҚИҚИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.3.PhD/Fil277 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.tashgiv.uz ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сиддиқова Ирода Абдузухуровна
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шаҳриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Солижонов Собиржон
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори
институту**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.П.Содиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., профессор

Г.Х.Боқиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё тилшунослигида тилларнинг товуш қатламини тавсифий, чоғиштирма ва дистрибутив методлар асосида тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Тилнинг товуш тизимини чоғиштирма аспектда ўрганиш чет тил талаффуз меъёрларини мукамал ўзлаштиришга замин яратади. Шу боис дунё тилшунослигида товуш соҳасини чоғиштирма тадқиқ қилиш масаласига талаб тобора ортмоқда. Замонавий тилшуносликда унлиларнинг тиллараро эквивалентлик муаммосини илмий тадқиқ қилиш, чоғиштирилаётган тилларда, хусусан, инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг эквивалентлик даражаси юзасидан аниқ назарий хулосалар чиқариш зарурати мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Бугунги кунда жаҳон тилшунослигида фонетик ярус бирликлари – *нутқ товуши, бўгин, урғу, интонация, сингармонизм* ва уларнинг нутқда воқеланиш хусусиятлари юзасидан артикуляция, акустика, перцептив ҳамда лингвистик жиҳатлар каби устувор йўналишларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Унли товушларнинг функционал-лингвистик хусусиятларини илмий ўрганиш уларнинг фонологик мақоми билан бир қаторда позицион кўринишларини ҳам қамраб олади. Унли фонемаларнинг энг кўп учрайдиган позицион кўринишларини тадқиқ этиш ва шу асосда унлиларнинг тиллараро эквивалентлик даражасини аниқлаш инглиз ва ўзбек тилшунослигида ечимини кутаётган масалалардан бири саналади.

Мустақиллик йилларида барча фанларни пухта ўзлаштириш, жаҳон фани ютуқларидан ўз вақтида хабардор бўлиш учун чет тилларни мукамал билиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Илм-фанни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» алоҳида қайд этилган бўлиб, унда бошқа фанлар билан бир қаторда чет тилларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш масаласи кун тартибига қўйилган¹. Шу боис чет тилини ўрганиш жараёнида сўзларни фонетик меъёр доирасида талаффуз қилиш, ўрганилаётган чет тили, хусусан, инглиз тили билан ўзбек тилидаги унли товушларнинг эквивалентлик даражасини аниқлаш, қиёсланаётган тилларнинг ўзаро алоқага киришиши натижасида юзага келадиган унлиларнинг потенциал интерференцияси омиллари бўйича янгича илмий концепцияга асосланган фундаментал монографик тадқиқотлар олиб бориш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони/ Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль. № 28.

стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 8 августдаги «Таълим муассаларида чет тилини ўқитишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари ҳақида»ги Қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлаштирилган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инглиз адабий тилида нутқ товушларининг, хусусан, унлиларнинг фонемик жиҳати, уларнинг урғули ва урғусиз ҳолатдаги фонетик ва фонологик хусусиятлари хорижда Д.Джоунз, Н.Эрдели, Л.Хултзен, Б.Трнка, А.Койен, Ж.О`Коннер, А.Гимсон, Ж.Кайе, С.Браунли, А.Жонатан, В.Васильев, А.Либерман, Т.Торсуев, В.Михальчук, И.Полюшкина, Е.Бобылёва, Т.Чугаева²; Ўзбекистонда А.Абдуазизов³ каби тилшунослар томонидан ўрганилган. Инглиз адабий тили унли товушларини А.Гимсон артикуляцион-акустик жиҳатдан фонетик-эксперимент асосида⁴; Т.М. Ан Рейко перцептив нуқтаи назардан⁵ тадқиқ қилган. А.Абдуазизов

² Jones D. An Outline of English Phonetics. 9th ed. – Cambridge: Heffer, 1960; Эрдели Н.Б. О нейтральном гласном в английском языке//«Филологические науки», №1.1960. – С. 68-79; Hultzen L.S. System Status of Obscured Vowels in English // Languages, vol. 37. № 4. 1961. – P. 565-569; Trnka B. A Phonological Analysis of Present day Standard English. – Tokyo: Hokuon Publishing Co., 1966; Cohen A. The Phonemes of English. 3rd print. – The Hague: Martinus Nijhoff, 1971; O`Connor J.D. Phonetics. Penguin Books. – Great Britain, 1988; Gimson A.C. An Introduction to the Pronunciation of English. 4th ed. – London: New York, 1989; Kaye J. Phonology a cognitive view. – USA: Routledge, 1989; Brownlee S. A. The Role of Sentence Stress in vowel reduction and formant undershoot: a study of lab speech and informal, spontaneous speech. A Dissertation for the Degree of Doctor of Philosophy. University of Texas. – Austin, 1996; Jonathan A. B. Positional neutralization: A phonologization approach to typological patterns. A dissertation for the degree of Doctor of Philosophy in Linguistics. The University of California – Berkeley, 2002; Vassilyev V.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – M.: High School Publ. House, 1970. – С. 29; Либерман А.С. Безударные гласные английского языка//Иностранные языки в школе, №5. 1975. – С. 72-81; Либерман А.С. Долгота гласных английского языка // Иностранные языки в школе, № 2. 1966. – С. 25-31; Торсуев Г.П. Константность и вариативность в фонетической системе. – М.: Наука, 1977; Михальчук В. А. Модификации английских гласных в связной речи: на материале вокалического стыка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Минск, 1999; Полюшкина И. В. Особенности ударного вокализма в английской спонтанной разговорной речи: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2003; Бобылёва Е.А. Сравнительно-историческое исследование английского безударного вокализма: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 2004; Чугаева Т. Н. Звуковой строи языка в перцептивном аспекте (эксп-ное исс-е на материале ан-го яз.): Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – Санкт-Петербург, 2009.

³ Абдуазизов А.А. Сопоставительный анализ гласных фонем английского и узбекского языков (на основе рентгенографических фотографических данных): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1967; Абдуазизов А.А. О безударном вокализме английского языка // Вопросы филологии. Вып.17, Сборник №1 ТГПИИЯ. – Т., 1969. – С. 1-14; Абдуазизов А.А. К типологии фонологических систем (на материале английского и узбекского языков): Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – М., 1974.

⁴ Gimson A.C. An Introduction to the Pronunciation of English. 4th ed. – London: New York, 1989.

⁵ Ann Reiko T. M. Multidimensional Map of the phonemes of English: a perceptual study. A Dissertation for the degree of doctor of philosophy in educational psychology, – University of Hawaii, 1981.

инглиз адабий тили унлиларининг урғусизлик ҳолатини ўрганиб, нейтрал /ə/ фонемасининг турли вариацияларга эга бўлиш сабабларини очиб берган⁶.

Ўзбек тилида унли товушларнинг артикуляцион-акустик жиҳати, уларнинг урғули ва урғусиз ҳолати, редукция ҳодисаси хорижда А.Сёберг; Ўзбекистонда Д.Поливанов, А.Ғуломов, А.Кононов, Ш.Шоабдурахмонов, С.Отамирзаева, А.Маматов, А.Абдуазизов, Т.Қудратов, В.Решетов, Х.Данияров, А.Махмудов, Ж.Маматов, М.Миртожиев каби тилшунослар томонидан илмий ўрганилган⁷. Шунингдек, А.Щербак, Н.Баскаков, Х.Дадабоев каби туркологларнинг ишларида ҳам бошқа туркий тиллар билан бир қаторда ўзбек тили товуш тизимининг ўзига хос жиҳатлари ёритилган⁸. Ўзбек тилшунослигида илк бор А.Махмудов адабий тилнинг товуш системасини экспериментал-фонетик метод билан ўрганган бўлса⁹, М.Миртожиев адабий тил унлилари билан бир қаторда шеваларда, шунингдек, ўзлашган лексикада учровчи унлиларни ҳам фонетик эксперимент асосида тадқиқ қилган¹⁰. С.Ризаев ўзбек тили унли фонемаларининг қўлланиш частотасини лингвостатистик метод билан ўрганган¹¹. А.Абдуазизов эса тилнинг товуш тизимини экспериментал-фонетик метод асосида инглиз ва ўзбек адабий тиллари мисолида чоғиштириб тадқиқ қилган¹².

Чоғиштирилаётган тиллар вокализм тизимида унли фонемаларнинг ўзаро эквивалентлиги муаммоси ҳамда потенциал интерференцияси илмий тадқиқ қилинмаган. Мазкур муаммони илмий ўрганиш назарий жиҳатдан чоғиштирилаётган тилларда унли фонемаларнинг эквивалентлик даражаси

⁶ Абдуазизов А.А. О безударном вокализме английского языка // Вопросы филологии. Вып.17, Сборник №1 ТГПИИЯ. – Т., 1969. – С. 1-14.

⁷ Sjoberg A.F. Uzbek Structural Grammar. Indiana University. Vol.18. The Hague, 1963; Поливанов Д. Е. Узбекская диалектология и узбекский литературный язык. – Т.: Узгосиздат, 1933; Ғуломов А. Ўзбек тилида урғу. – Т., 1947; Кононов А.Н. Грамматика современного литературного узбекского языка. – М.: Изд-во Академии наук, 1960; Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари. – Т.: Ўзфанакаднашр, 1962; Отамирзаева С. Звуковой состав наманганского говора узбекского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Л., 1963; Маматов А. Андижанский городской говор узбекского языка (фонетико-морфологические особенности говора): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1967; Абдуазизов А.А. Сопоставительный анализ гласных фонем английского и узбекского языков (на основе рентгенографических фотографических данных): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1967; Абдуазизов А.А. К типологии фонологических систем (на материале английского и узбекского языков): Автореф. дисс. ... д-ра. филол. наук. – М., 1974; Қудратов Т. Переходные говоры узбекского языка (На материале говоров Шахрисабзского, Яккабагского, Чиракчинского и Камашинского районов Кашкадарьинского области): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1968; Решетов В., Шоабдурахмонов Ш. Ўзбек диалектологияси (Фонетика, Морфология, Лексика). – Т.: Ўқитувчи, 1978; Данияров Х. Опыт изучения джекающих (кыпчакских) диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. – Т.: Фан, 1975; Махмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1980; Маматов Ж.Т. Ўзбек тилида редукция: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Т., 2009; Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013.

⁸ Щербак А.М. Сравнительная фонетика тюркских языков. – Л.: Наука, 1970; Баскаков Н.А. Историко-типологическая фонология тюркских языков. – М.: Наука, 1988; Dadaboyev X.A., Holmanova Z.T. Turkiy tillarning qiyosiy-tarixiy grammatikasi. – Т.: Tafakkur boʻstoni, 2015.

⁹ Махмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1980.

¹⁰ Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013.

¹¹ Ризаев С.А. Ўзбек тилининг лингвостатистик тадқиқи: Филол. фан. д-ри. ... дисс. автореферати. – Т., 2008.

¹² Абдуазизов А.А. Сопоставительный анализ гласных фонем английского и узбекского языков (на основе рентгенографических фотографических данных): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1967.

ҳамда потенциал интерференцияси омилларининг аниқланиши, амалий жиҳатдан эса тадқиқот хулосалари инглиз тили унлиларининг талаффузини янада самарали ўзлаштиришга хизмат қилиши билан муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг «Лингвистика ва хорижий тилларни ўқитиш самарадорлигини оширишнинг назарияси ва амалиёти» мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек адабий тиллари унлиларининг фонологик хусусиятлари асосида уларнинг эквивалентлик даражасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инглиз ва ўзбек адабий тилларида унлиларнинг урғули, урғусиз ҳолатдаги фонетик хусусиятларини чоғиштирма тадқиқ қилиш ҳамда уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш;

мазкур тилларда унлиларнинг урғули ва урғусиз ҳолатдаги фонологик статусини чоғиштириб ўрганиш;

инглиз ва ўзбек адабий тилларида унли фонемаларнинг эквивалентлик даражасини ёритиш;

чоғиштирилаётган тиллар вокализм тизимида интерференцияга сабаб бўладиган лингвистик омилларни аниқлаш ва уларнинг юзага келиш сабабларини илмий асослаш;

инглиз ва ўзбек адабий тилларидаги унлиларнинг чоғиштирма тадқиқи натижасига доир назарий ва амалий хулосалар таклиф этиш;

Тадқиқотнинг объектини инглиз ва ўзбек адабий тиллари унлилар тизими ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек адабий тилларида унли товушларнинг фонологик хусусиятлари асосида уларнинг эквивалентлик даражасини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тафсифий, чоғиштирма, дистрибутив усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз ва ўзбек адабий тилларидаги урғули ва урғусиз унлиларда фонетик ва фонологик изоморфизм ҳамда алломорфизм очиб берилган;

чоғиштирилаётган тилларнинг фонологик тизимида *фонологик оппозициялар* билан бир қаторда *маъно фарқловчи товуш жуфтликлари* ҳам мавжудлиги далилланган;

унлилар нейтрализацияси инглиз тилида парадигматик, ўзбек тилида синтагматик табиатга эга бўлиши асосланган;

инглиз ва ўзбек адабий тилларида унли фонемалар ўзаро *ярим эквивалент* эканлиги аниқланган;

чоғиштирилаётган тилларда унлилар тизимининг тузилиши, артикуляцион-акустик хусусияти, урғусизлик ҳодисаси, унли фонемаларнинг позицион кўринишлари, унлилар орфографияси ҳамда орфоэпияси каби лингвистик омиллар унли фонемаларнинг потенциал интерференцияси манбайи эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

инглиз ва ўзбек адабий тиллари унлиларининг фонетик ва фонологик жиҳатдан чоғиштирама тадқиқ натижаларига доир илмий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган;

инглиз тили унлилари талаффузини ўрганиш жараёнида интерференцияга сабаб бўладиган лингвистик омилларни ҳисобга олиш юзасидан берилган хулосалар фаннинг ўқув дастурига сингдирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги уни Москва фонология мактаби (МФМ) назариясига, шунингдек, бизгача бажарилган туркий ҳамда дунё тиллари товуш соҳасига оид бир қатор тадқиқотларнинг илмий хулосаларига таянган ҳолда бажарилганлиги, диссертация натижалари ва хулосаларнинг амалиётган жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳар икки адабий тил унлиларининг урғусиз ҳолатда фонологик оппозиция ҳосил қилиш кўлами ҳамда мазкур оппозициялар таснифи тўлиқ ёритилгани, инглиз ва ўзбек адабий тилларида унлиларнинг эквивалентлик даражаси; унлиларнинг потенциал интерференцияси омиллари аниқлангани ва илмий асослангани, шунингдек, тилнинг товуш соҳаси ривожига ҳисса қўшгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган хулосалар ўзбек тил соҳибига инглиз тили талаффузини самарали ўқитишда, инглиз тили амалий фонетикасига ҳамда инглиз ва ўзбек тиллари чоғиштирама фонетикаси, фонологиясига доир ўқув қўлланма ёки дарсликлар яратишда, шунингдек, талаба-магистрлар, докторантлар ва мустақил изланувчилар учун тилнинг товуш соҳасига оид тадқиқот ишлари олиб боришида аҳамиятлилиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм тизимининг фонологик жиҳатдан чоғиштирама тадқиқига доир илмий натижалар асосида:

унлиларнинг фонологик интерференциясига доир илмий хулосалар ИТД-1, А-1-219 «Таълим тизимида хорижий тил (инглиз тили) йўналишидаги олий таълим муассасаларида умумевропа компетенциялари (CEFR) бўйича С1 даражасини эгаллашни таъминлайдиган ўқув-услугий мажмуа яратиш» мавзусидаги лойиҳага татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 89-03-919-сон маълумотномаси). Натижада, «Коммуникатив - норматив фонетика» ўқув қўлланмасининг тегишли бўлимлари тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида ёритилган;

унлиларнинг фонетик ва фонологик хусусиятлари, фонологик оппозициялар ва маъно фарқловчи товуш жуфтликларига оид илмий хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» мухарририяти томонидан тайёрланган «Бедорлик» радиоэшиттиришида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий Телерадиокомпаниясининг 2018 йил 19 февралдаги 02/0-1-26-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг илмий натижалари радиоэшиттириш орқали инглиз тили талаффузининг муҳим жиҳатлари, жумладан, унлилар талаффузининг ўзига хос хусусиятлари қай тарзда ўзлаштирилиши лозимлиги очиб берилганлиги билан тингловчиларнинг талаффуз ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та, жумладан, 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзусига оид жами 16 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, шундан 10 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан ташкил топган бўлиб, ҳажми 146 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган; тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган; тадқиқот натижаларининг жорийланиши, нашр қилинган ишлар ҳамда тадқиқотнинг тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Тилнинг товуш тизимини тадқиқ қилишнинг назарий методологияси**» деб номланган биринчи бобида тилдаги сегмент ва суперсегмент бирликлар, нутқ товуши ва фонема, фонема назариялари, вокализм тизимини тиллараро чоғиштиришнинг назарий асослари таҳлил қилинган.

Нутқ товушлари, одатда, физиологик (нутқ товушларининг ҳосил бўлиш ўрни), физик (нутқ товушларининг баландлиги, кучи, тембри, чўзиқлиги), перцептив (эшитиб ҳис этиш) ҳамда лингвистик (сўз шакли ва маъносини танитувчи ва фарқловчи вазифаси) жиҳатдан ўрганилади. Нутқ товушларининг қайд этилган тўрт жиҳатга кўра тадқиқ қилиниши фонетиканинг тўртта аспектини фарқлашни тақозо қилади: артикуляцион фонетика, акустик фонетика, перцептив фонетика, функционал фонетика ёки

фонология. Фонетиканинг мазкур аспекти ўзаро узвий боғланган бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш бўлмайди. Шундай бўлса-да, фонетик бирликларнинг юқорида қайд этилган жиҳатларидан қайси бири илмий ўрганиш мақсади эканидан келиб чиқиб, фонетиканинг аспекти алоҳида - алоҳида тадқиқот объекти бўлиши ҳам мумкин. Фонетиканинг лингвистик аспекти *фонология* термини билан бир қаторда *фонемика*, *фонематика* терминлари билан ҳам юритилади¹³. Фонология фонетик бирликларнинг ижтимоий-лингвистик вазифаси – маъно фарқлаш хусусиятларини ўрганади. Фонетик бирликларнинг сегмент ва суперсегмент турлари фарқланишига кўра, фонология ҳам сегмент ва суперсегмент сатҳларга эга бўлади. Сўз шакли ва маъносини ўзгартиришга хизмат қиладиган энг кичик сегмент бирликлар *фонемалар* деб аталади. Ҳар бир фонема чексиз фонлардан иборат бўлади¹⁴. Сегментал фонология турли нутқ товушларида воқеланадиган фонемаларни тадқиқ қиладди. Суперсегментал фонология *просодика* деб ҳам юритилиб, у суперсегмент бирликлар – бўғин, урғу, ва интонация компонентларининг маъно фарқлаш хусусиятларини ўрганади. Бўғин сўз маъносини фарқлашга хизмат қилса – *силлабема*; урғу сўз маъносини фарқласа – *акцентема*; интонация сўз маъносини ўзгартирса – *интонама* термини билан ифодаланади¹⁵. Масалан, *олтин иш* – *олти ниш* бирикмаларида бўғин чегараси, *олма (мева)* – *олма (буйруқ феъли)* сўзларида урғу, *етти / хазинали бой (биттадан хазинаси бор еттита бой)* – *етти хазинали / бой (еттита хазинаси бор битта бой)* бирикмаларида интонациянинг муҳим компонентларидан бири бўлган пауза маъно фарқлашга хизмат қилмоқда. Демак, фонология фонетиканинг соф лингвистик аспекти сифатида фонетик бирликларнинг тилдаги фонологик вазифаларини тадқиқ қиладди.

Фонема тушунчасига И.А. Бодуэн де Куртене томонидан асос солинган¹⁶, унинг ғоялари асосида тилшуносликда бир қатор фонологик мактаблар юзага келди. Мазкур назарияларнинг энг машҳурлари Москва [Р.Аванесов, В.Сидоров], С.Петербург [Л.Зиндер], Прага [Н.Трубецкой], Лондон [Д.Жоунз], Америка [Л.Блумфилд] фонологик мактаблари томонидан илгари сурилган. Уларнинг ҳар бири фонемани тил бирлиги сифатида тан олади, лекин уни талқин қилишда турлича ёндашувга асосланади. Тилларнинг вокализм тизимини тадқиқ қилишда ушбу фонологик назарияларнинг тадқиқ қилинаётган тил учун энг муносибини танлаш, шунингдек, ўрни билан ҳар бир фонологик мактабнинг энг илғор ғояларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Вокализм лотинча “vocalic – унли товуш” сўзидан олинган бўлиб, тилдаги унли товушлар тизимини ифодалайди¹⁷. Вокализм тизимини тадқиқ

¹³ Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Тошкент, 2010. – Б. 17.

¹⁴ Джуманова Д.Р. Сўзнинг тил алоқа жараёнидаги фонологик модели: Филол. фан. д-ри. ... автореферати. – Т., 2016. – Б. 15.

¹⁵ Абдуазизов А.А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Тошкент, 2010. – Б. 17.

¹⁶ Бодуэн де Куртене И. А. Избранные труды по общему языкознанию. Том I. – М., 1963. – С.121-122.

¹⁷ Большой энциклопедический словарь языкознание. 3-изд. – М.: Боль. Рос-я энцик-дия, 1998. – С. 86.

қилишда ишнинг мақсадидан келиб чиқиб, унли товушларнинг акустикаси, артикуляцияси, перцептив ёки лингвистик (фонологик) жиҳатларидан бири алоҳида объект сифатида ўрганилади.

Унли товушлар ҳосил бўлиши борасида тилшуносликда икки хил ёндашув мавжуд. Д.Кристал, С.Леонтева, М.Соколова каби тилшунослар анъанавий ёндашувга асосланган ҳолда *унли товуш ҳосил бўлишида ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тўсиққа учрамайди*, деб таърифлашади¹⁸. Ш.Раҳматуллаев, А.Махсумов каби тилшуносларнинг фикрича, унли товуш ҳосил бўлишида ҳаво оқими тўсиққа учрайди. Ш.Раҳматуллаев бу жараёнда «... овоз пайчалари ҳаво оқимига тўсиқ бўлиб, ритмик тебранади, шунга кўра бу тўсиқ овоз ҳосил қилиш тўсиғи дейилади», деб таъкидлайди¹⁹. А.Махсумов эса унли товуш ҳосил бўлишида ҳаво оқими оғиз бўшлиғида тилнинг олд, ўрта ёки орқа кўтарилиш қисмига енгил урилиб, тўсиққа учрайди, деб талқин қилади²⁰. Бизнингча, ҳаво оқими ҳеч бир нутқ органида тўсиққа учрамаса, нутқ товуши ҳосил бўлиши амримахолдир, шу нуктаи назардан, биз унли товушлар ҳосил бўлишида ҳам ҳаво оқими оғиз бўшлиғида “енгил” бўлса-да, тўсиққа учрайди, деган фикр тарафдоримиз.

Инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизими артикуляцион-акустик жиҳатдан фонетик эксперимент асосида тадқиқ қилинган²¹, лекин перцептив ҳамда лингвистик (фонологик) нуктаи назардан алоҳида тадқиқот объекти сифатида чоғиштирма ўрганилмаган. Мазкур тиллар вокализм тизимини лингвистик, яъни фонологик жиҳатдан чоғиштирма тадқиқ қилиш унли фонемаларнинг фонологик хусусиятларидаги, шунингдек, уларнинг энг кўп учрайдиган позицион кўринишларидаги ўзига хос жиҳатларни ёритиш ва шу асосда унли фонемаларнинг чоғиштирилаётган тилларда эквивалентлик даражасини аниқлаш имкониятини бериши билан муҳим аҳамият касб этади. Турли тизимли тилларда фонемаларнинг эквивалентлик даражасини аниқлаш чет тил ўрганиш жараёнида нафақат фонемаларнинг талаффузини, балки уларнинг энг кўп учрайдиган позицион кўринишлари талаффузини ҳам ўзлаштиришда назарий асос бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Инглиз ва ўзбек тилларида вокализм тизимининг фонетик ва фонологик хусусиятлари**» деб номланган бўлиб, унда вокализм тизимининг фонетик ва фонологик жиҳати, унлиларнинг урғули ва урғусиз ҳолатдаги ўзига хосликлари мазкур тилларнинг ҳар бирида алоҳида-алоҳида тадқиқ қилинди.

¹⁸ Crystal D. The Cambridge Encyclopedia of Language. – The USA: Cambridge University Press, 1993. – P. 152; Leontyeva S. F. A Theoretical Course of English Phonetics. – М.: Vyssaya skola, 1980. – P. 21; Соколова М. А. и др. Теоретическая фонетика английского языка. – М.: Владос, 1996. – С. 60.

¹⁹ Rahmatullayev Sh. Hozirgi o'zbek adabiy tili. – Toshkent, 2006. – Б. 10.

²⁰ Maksumov A.G. English Phonetics. – Tashkent, 2016. – P. 52.

²¹ Jones D. An Outline of English Phonetics. 9th ed. – Cambridge: Heffer, 1960; Gimson A.C. An Introduction to the Pronunciation of English. 4th ed. – London: New York, 1989; Махмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка: Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – Т., 1980; Маматов Ж.Т. Ўзбек тилида редукция: Филол. фан. ном. ... дисс. автореферати. – Т., 2009; Абдуазизов А.А. Сопоставительный анализ гласных фонем английского и узбекского языков (на основе рентгенографических фотографических данных): Автореферат дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1967.

Инглиз адабий тили вокализм тизими мураккаб характерга эга бўлиб, тузилишига кўра уч кичик гуруҳ (монофтонг, дифтонг ва дифтонгоид²²)дан, урғунинг иштирокига кўра икки кичик тизим (*урғули вокализм* ва *урғусиз вокализм*)дан ташкил топган²³. Инглиз тилида фонетик хусусиятларига кўра бир-биридан фарқ қилувчи 10 та монофтонг ([i, e, æ, a:, ə:, ɒ, ʊ, ʌ, z:, ə]), иккита дифтонгоид ([i:], [u:]), саккизта дифтонг мавжуд. Мазкур тилда дифтонглар марказий ([iə, eə, uə]) ҳамда тушувчи ([ei, ai, əi, aʊ, əʊ]) турларга ажратилади²⁴. Тилшуносликда дифтонгларнинг фонема тизимига алоқаси бор ёки йўқлиги нуктаи назаридан икки тури фарқланади: *фонемик дифтонглар* ва *фонетик дифтонглар*²⁵. Фонемик дифтонглар бўғин ёки морфема чегарасида иккига ажралмайди ва шу сабабли уларнинг ҳар икки элементи бир бутун фонема ёки *монофонема* ҳисобланади. Фонетик дифтонглар эса бўғин ёки морфема чегарасида иккига бўлиниб кетади. Бўғинга ажралиши туфайли фонетик дифтонглар *бифонема*, яъни ёнма-ён келган иккита мустақил фонема сифатида талқин қилинади.

Инглиз тилида унлиларнинг урғуга муносабати ўзига хос бўлиб, унли фонемалар урғусиз ҳолатда сифат ва миқдор белгиларидаги ўзгаришга кўра *тўлиқ*, *ярим кучсиз* ҳамда *кучсиз* ҳолда ифодаланади²⁶. Урғусиз бўғинда унлиларнинг сифат ва миқдор белгилари тўлиқ ўзгариши натижасида кучсиз унлилар юзага келади. Кучсиз унли асосан нейтрал /ə/ ёки урғусиз /ɪ/ тарзида ифодаланади. Нейтрал /ə/ унлиси ноаниқ сифатга эга эканлиги туфайли Д.Жоунз унинг учта: ə₁, ə₂, ə₃; Г.Торсуев тўртта кўринишини фарқлайди: [ə³], [ə^e], [ə[^]], [ə[·]]²⁷. Бизнингча, нейтрал /ə/ унлисининг яна бир кўринишини фарқлаш лозим. Бунда у /ɪ/ товушининг сифатига ўхшаш талаффуз қилинади. Нейтрал /ə/ унлисининг мазкур вариантыни кўпроқ сифат ясовчи *-ible* суффиксида кузатиш мумкин: *accessible* [ək`sesəbl], *imperceptible* [ɪmpə`septəbl], *admissible* [əd`mɪsəbl], *incombustible* [ɪnkəm`blastəbl], *implausible* [ɪm`plə:zəbl].

Инглиз тилида /aʊ/ дифтонгидан ташқари барча унли фонемалар урғусиз ҳолатда нейтрал /ə/ билан ўрин алмашади²⁸. Тадқиқот давомида /aʊ/ унлиси

²² Талаффузда нутқ органлари бир ҳолатдан бошқасига ўзгармайдиган унли товушлар *монофтонглар*; нутқ органлари бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўзгарадиган унлилар *дифтонглар*; тил ҳолати кучсиз даражада бўлса-да, ўзгарадиган [Соколова М. А. и др. Теоретическая фонетика английского языка. – М.: Владос, 1996. С. 80.] унли товушлар *дифтонгоидлар* дейилади. Монофтонг сўзи юнонча «*topos* - бир, *phongos* - товуш» сўзидан олинган бўлиб, «*бир унли товуш ёки содда унли*»; дифтонг сўзи юнонча «*di(s)* - икки, *phongos* - товуш» деган маънони билдиради [Ҳожиев А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Т.: Ўзб.Мил. Энциклоп. Нашр., 2002. – Б. 37, 61].

²³ Биз инглиз ва ўзбек тиллари вокализм системасида унли фонемаларнинг эквивалентлик муаммосини адабий тил нуктаи назаридан тадқиқ қилдик. Оғзаки нутқ турли шеваларга асосланиши мумкин. Лекин барча шева вакилларига умумий ўрта таълим орқали адабий тил меъёрлари ўргатилади. Шу нуктаи назардан, мазкур тадқиқот объекти сифатида адабий тил унлилар тизими танланди.

²⁴ Maksumov A.G. English Phonetics. – Tashkent, 2016. – Б. 142.

²⁵ Буландин Л.Л. Фонетика современного русского языка. – М.: Высшая школа, 1970. – С. 85.

²⁶ Vassilyev V.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – Moscow: High School Publ. House, 1970. – P. 216.

²⁷ Jones D. An Outline of English Phonetics. 9th ed. – Cambridge: Heffer, 1960. – P. 89.; Торсуев Г.П. Фонетика английского языка. – М.: Изд-во лит-ры на иностр. языках, 1950. – С.103-104.

²⁸ Abduazizov A.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – Т.: Musiq, 2007. – P. 123.

билан бир каторда /о/ дифтонгининг ҳам урғусиз ҳолатда нейтрал /ә/ товушига ўзгаришини учратмадик.

Инглиз тилида унлиларнинг фонологик хусусиятлари ўзига хос бўлиб, унга кўра тилининг кўтарилиш белгиси, катор белгиси ҳамда унлиларнинг сифат ва миқдор белгилари фонологик фарқловчи белги ҳисобланади. В.Васильев бир йўла нечта фонологик белги билан фарқлана олишига кўра инглиз тилидаги унлилар оппозицияларини қуйидагича тасниф қилади: а) бир фонологик белги билан фарқланувчи (битталиқ) оппозиция; б) икки фонологик белги билан фарқланувчи (иккиталиқ) оппозиция; в) иккидан ортиқ фонологик белги билан фарқланувчи кўплик оппозиция²⁹.

Тадқиқот жараёнида инглиз тили унлиларининг уч фонологик белгигача фарқланиши мумкин бўлган фонологик оппозициялари урғусиз ҳолатда ҳам сақланиб қолиши ойдинлашди.

Ўзбек тили вокализм тизими ўзининг тарихий тараққиёти жараёнида саккизтадан ўнтагача унли фонемага эга бўлган³⁰. Мазкур фонемаларнинг тарихан чўзиқ ва қисқа вариантлари мавжуд бўлганлигини³¹ ҳисобга олсак, уларнинг сони қарийб йигирматача бўлган. Бу ҳолат ўзбек тили вокализм тизими тарихан мураккаб тузилиш касб этганидан далолат беради. Бугунги кунга келиб, ўзбек тили унлилар тизими сифат ва миқдор жиҳатдан анча соддалашди. Ҳозирги ўзбек адабий тили унлилар тизимида олтита унли фонема мавжуд бўлиб (/л, в, е, и, о, о'/), улар миқдор белгисига (чўзиқ-қисқа) кўра ўрта чўзиқликдаги, яъни чўзиқ ҳам, қисқа ҳам бўлмаган товушлар ҳисобланади. Ўзбек тилининг тарихий тараққиётида сингармонизм ҳодисасининг емирилиши билан унлиларнинг чўзиқ ва қисқа кўринишлари умумийлашиб, ўрта чўзиқликдаги фонема юзага келган³².

Сингармонизм³³ сақланган туркий тилларда қўшимча морфемаларнинг фонологик тузилиши ўзак морфемаларнинг фонологик тузилишига боғлиқ бўлиши, сўзнинг фонетик ядроси сўз бошида жойлашишини тақозо қилади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида сингармонизм ҳодисаси сақланмаганлиги туфайли ўзак ва қўшимча морфемаларнинг фонетик тузилиши асосан урғуга боғлиқ бўлиб, бунда сўзнинг фонетик ядроси (фонетик жиҳатдан асосий қисми) сўзнинг охириги урғули бўғини ҳисобланади³⁴.

Ўзбек тилида унлиларнинг урғули ва урғусиз ҳолати ўзига хос хусусиятларга эга. Бу тилда урғусизлик унлини тўлиқ ўзгартириб юбормайди³⁵. Натижада урғули ва урғусиз ҳолатда ўзбек тилидаги унлиларнинг сони ўзгармайди, уларнинг сифат ва миқдорий белгилари фарқланади, холос. Урғусиз унлининг урғули унлига нисбатан қисқа талаффуз қилиниши ўзбек

²⁹ Vassilyev V.A. English Phonetics (A Theoretical Course). – Moscow: High School Publ. House, 1970. – P. 180.

³⁰ Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т.: Ижод нашр., 2006. – Б. 45.

³¹ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 68.

³² Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 68.

³³ Сингармонизм сўзи грек тилидан олинган бўлиб, *товуш уйғунлиги* деган маънони билдиради [Большой энциклопедический словарь языкознание. 3-изд. – М.: Бол. Рос-я энцик-я, 1998. – С. 445].

³⁴ Маҳмудов А. Фонетическая система узбекского литературного языка: Автореф. дисс. ... канд. фил. наук. – Т., 1980. – С. 7.

³⁵ Гуломов А. Ўзбек тилида урғу. – Т., 1947. – Б. 24.

тилига ҳам хосдир. Унлиларнинг урғусиз ҳолатда қисқа талаффуз қилинишига бир нечта фонетик омиллар жумладан, редукция, бўғин тури, ёндош товушлар, унлиларнинг сўздаги ўрни ва бошқалар таъсир кўрсатади. Редукция умуман товушга хос ҳодиса сифатида унлига ҳам, ундошга ҳам таъсир қилиши мумкин. Ундош товушлар редукцияси кўпроқ туркий тилларда учрайди³⁶. Бу ҳолатда ундошларнинг жарангсизланиши тушунилади: *туб* [tʊp], *қад* [qɑt], *барк* [bɑrk] ва ҳ.к. Одатда урғусиз ҳолатда юзага келадиган редукция ўзбек тилида баъзи урғули унлиларда ҳам учраши аҳамиятлидир.

Ўзбек тили унлиларида тилнинг кўтарилиш ҳамда лаб белгиси якка ҳолда сўз маъносини фарқлай олиши учун фонологик муҳим; тилнинг қатор белгиси эса ёндош товушлар таъсирида тўлиқ ўзгарувчан бўлгани туфайли фонологик жиҳатдан аҳамиятсиз ҳисобланади. А.Абдуазизов ўзбек тилида унлилар оппозицияларини бир йўла нечта фонологик белги билан фарқлана олишига кўра қуйидагича тасниф қилади: а) *бир фонологик белги билан фарқланувчи оппозиция – тилнинг кўтарилиши ёки лабнинг иштирокига кўра фарқланиши: /i-ʊ/, /e-o'/, /a-ʊ/ – лабланмаган-лабланган оппозицияси; /i-e/, /i-a/, /e-a/, /o'-ʊ/, /o'-ʊ/, /ʊ-ʊ/ – тилнинг кўтарилиш даражаси билан боғлиқ оппозиция; б) икки фонологик белги билан фарқланадиган оппозиция – тилнинг кўтарилиши ҳамда лабнинг иштирокига кўра икки белги билан фарқланиши: /i-o'/', /i-ʊ/, /e-ʊ/, /e-ʊ/, /a-ʊ/, /a-o'/'³⁷. Тадқиқот жараёнида мазкур оппозициялар унлиларнинг урғусиз ҳолатида ҳам ўз маъносини сақлаб қолиши аниқланди. Демак, ўзбек тилидаги унлилар урғули ҳолатда ҳам, урғусиз ҳолатда ҳам бир белги билан фарқланувчи тўққизта оппозицияга, икки белги билан фарқланувчи олти та оппозицияга эга бўлади.*

Ишнинг учинчи боби «**Инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимида фонологик изоморфизм ва алломорфизм**» масаласига бағишланган. Унда инглиз ва ўзбек тилларида унлиларнинг позицион кўринишлари³⁸, урғусиз ҳолати ҳамда функционал-лингвистик хусусиятлари чоғиштириб тадқиқ қилинди. Мазкур тилларда унли фонемаларнинг эквивалентлик даражаси ва потенциал интерференцияси омиллари аниқланди.

Чоғиштирилаётган тилларда унли фонемаларнинг позицион кўринишлари Москва фонология мактаби (МФМ) назарияси³⁹ асосида тадқиқ қилинди. МФМ назариясида фонемаларнинг учта позицион кўриниши фарқланади: *инвариант, вариация, вариант*⁴⁰. Инвариант фонеманинг асосий кўриниши бўлиб, у маълум бир фонетик контекстда артикуляцион-акустик

³⁶ Миртожиев М.М. Ўзбек тили фонетикаси. – Т.: Фан, 2013. – Б. 275.

³⁷ Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – Б. 68.

³⁸ Нутқ товушларининг позицион ва комбинатор кўринишлари ўзаро фарқланади [Зиндер Л.Р. Общая фонетика. – М.: Высшая школа, 1979. – С.47]. Унлиларнинг позицион кўриниши деганда, уларнинг урғули, урғусиз ҳолатга, бўғин турига, сўздаги ўрнига кўра ўзгаришлари; комбинатор кўринишида унлиларнинг ёндош товушлар таъсирида ўзгариши назарда тутилади [Abduazizov A. Tilshunoslik nazariyasiga kirish. – Т.: Sharq NMAK, 2010. – Б.39-40]. Биз инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг эквивалентлик даражасини тадқиқ қилишда уларнинг позицион кўринишларига асосландик.

³⁹ Аванесов Р.И., Сидоров В.Н. Система фонем русского языка // Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – М.: Наука, 1970. – С. 251.

⁴⁰ Джусупов М. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Т.: Фан, 1991. – С. 20.

жиҳатдан қай даражада ўзгаришига кўра *вариация* ёки *вариант* тарзида ифодаланади. Маълум бир фонеманинг асосий кўриниши (инвариант) ўзининг позицион ўзгариши туйғайли бошқа бир фонемага ўхшаш бўлиб қолса, бундай кўриниш ўша фонеманинг *варианти*; ўхшаш бўлмаса, унинг позицион *вариацияси* ҳисобланади⁴¹. МФМ назариясида инвариант кучли позицияда, вариант кучсиз позицияда учрайди. Позицион чегараланиш борасида вариация нейтрал характерга эга. Шу боисдан у кучли позицияда ҳам, кучсиз позицияда ҳам юзага келиши мумкин.

М.Джусупов рус ва қозоқ тиллари товуш тизимларини чоғиштирма тадқиқ қилиб, мазкур тилларда акустик ва орфографик жиҳатдан ўзаро мос келишига кўра унли фонемалар тизимини уч кичик тизимга ажратади: *акустик жиҳатдан қисман, орфографик жиҳатдан тўлиқ мос келадиган унлилар; орфографик жиҳатдан тўлиқ мос келса-да, акустик жиҳатдан фарқланадиган унлилар; акустик жиҳатдан ҳам, орфографик жиҳатдан ҳам мос келмайдиган унлилар*⁴². Икки тил вокализм тизимини чоғиштиришнинг мазкур усули нафақат фонемаларни, балки уларнинг ёзувдаги акси бўлган ҳарфларни ҳам қамраб олиши билан турли тилларда ёзилиши ўхшаш, лекин артикуляцион-акустик жиҳатдан фарқланадиган фонемаларни илмий ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан инглиз ва ўзбек тиллари вокализм тизимининг фонетик хусусиятларини чоғиштирма тадқиқ қилишда мазкур усулдан фойдаланишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги унли фонемалар, уларнинг позицион кўринишлари ўртасидаги ўхшаш ҳамда фарқли жиҳатларни аниқлаш учун мазкур тиллар вокализм тизимини акустик ва орфографик жиҳатдан ўхшашлигига кўра қуйидаги кичик гуруҳларга ажратиш лозим бўлади:

а) *чоғиштирилаётган тилларда акустик ва орфографик жиҳатдан қисман мос келадиган унли фонемалар: /l/, /e/, /v/, /o/. Улар ёзувда ўзбек тилида бир ҳарф билан, инглиз тилида бир нечта ҳарф ва ҳарф бирикмалари билан ифодаланади;*

б) *чоғиштирилаётган тилларда акустик жиҳатдан қисман мос келсада, орфографик жиҳатдан мос келмайдиган унли фонемалар: /ʌ/. У ёзувда чоғиштирилаётган тилларда бошқа-бошқа ҳарфлар билан ифодаланади;*

в) *чоғиштирилаётган тилларда орфографик жиҳатдан қисман мос келса-да, акустик жиҳатдан мос келмайдиган унли фонемалар: ўзбек тилидаги /ʌ/ билан инглиз тилидаги /æ/ товушлари бунга мисол бўлади;*

г) *чоғиштирилаётган тилларда акустик жиҳатдан ҳам, орфографик жиҳатдан ҳам мос келмайдиган унлилар. Бундай фонемалар фақат бир тилда мавжуд бўлиб, иккинчи тилда мавжуд бўлмадлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, ўзбек тилидаги /o/ унли фонемаси инглиз тилида, инглиз тилидаги /a:/, /ɜ:/, /z:/, /ə/, /i:/, /u:/, /ei/, /ai/, /ɔ:/, /aʊ/, /əʊ/, /lə/, /eə/, /ʊə/ унли фонемалари ўзбек тилида мавжуд эмас.*

⁴¹ Аванесов Р.И., Сидоров В.Н. Система фонем русского языка // Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – М.: Наука, 1970. – С. 252.

⁴² Джусупов М. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Т.: Фан, 1991. – С. 30.

Инглиз тилида унли фонемаларнинг позицион кўринишлари, асосан, тўрттадан олтигача фарқланиши мумкин. Ўзбек тилида эса унли фонемалар асосан уч хил позицион кўринишга эга бўлади⁴³ (1-жадвалга қаранг). Бу ҳолат чоғиштирилаётган тилларда акустик жиҳатдан ўхшаш бўлган фонемалар бир типдаги товушлар мажмуи сифатида тўлиқ эквивалент эмаслигидан далолат беради. Ўрганилаётган тилларда унлиларнинг тури, позицион кўринишларидаги тафовут улар ўзаро тўлиқ эквивалент бўла олмаслигини кўрсатди. Шу нуқтаи назардан, инглиз ва ўзбек тилларида унли фонемаларнинг эквивалентлик даражаси тўғрисида сўз борганда, уларга нисбатан *ярим эквивалент* терминини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

1-жадвал

Унли фонемаларнинг позицион кўринишлари

Инглиз тили		
/e/, /ɪ/, /ɪ/, /aɪ/, /ɪə/, /eə/ фонемалари асосан олти хил позицион кўринишда воқе- ланади:	/ɒ/, /ʊ/ /ʌ/ /æ/ /ɑː/, /ɔː/, /zː/, /ə/, /uː/, /eɪ/, /əʊ/, /ʊə/ фонемалари асосан беш хил позицион кўринишда ифодаланади.	/ɔɪ/, /aʊ/ фонемалари асосан тўрт хил пози- цион кўринишда воқе- ланади.
инвариант (фонеманинг асо- сий кўриниши): city [ˈsɪtɪ]; вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан қисқа- роқ): pig [pɪɡ]; вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа): pick [pɪk]; вариация (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ): pity [ˈpɪtɪ]; вариант (урғусиз ҳолатда бошқа товушларга ўзгариши): geopolitical [ˌdʒiːəpərəˈlɪtɪkəl] - geopolitics [ˌdʒiːəʊˈpələtɪks], peculiar [pɪˈkjuːliə].	инвариант (фонеманинг асо- сий кўриниши): four [fɔː]; вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан қисқа- роқ): ford [fɔːd]; вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инвариантга нисбатан анча қисқа): court [kɔːt]; вариация (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ): audition [ɔːˈdɪʃn]; вариант (урғусиз ҳолатда бошқа товушга ўзгариши): reform [rɪˈfɔːm] - reformation [rɪfəˈmeɪʃən].	инвариант (фонема- нинг асосий кўрини- ши): now [naʊ]; вариация (жарангли ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инва- риантга нисбатан қис- қароқ): loud [laʊd]; вариация (жарангсиз ундош билан тугаган ёпиқ бўғинда инва- риантга нисбатан анча қисқа): lout [laʊt]; вариация (урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ): outrageous [aʊtˈreɪdʒəs].
Ўзбек тили		
Ўзбек тилида мавжуд 6 та унли фонеманинг ҳар бири асосан уч хил позицион		

⁴³ Ўзбек тилида унлиларнинг позицион кўринишлари билан бир қаторда комбинатор кўринишлари ҳам ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбек адабий тили унлилар тизими олтига фонемадан иборат, деб ҳисоблайдиган тилшунослар /ɪ, e, ʌ/ фонемаларини тил олди; /ʊ, ɔ, ɒ/ фонемаларини тил орқа унлилари, деб талқин қиладилар ва тил олди унлиларининг тил орқа кўринишларини ёки тил орқа унлиларининг тил олди кўринишларини шу фонемаларнинг ёндош ундошлар таъсирида юзага келадиган комбинатор кўринишлари, деб изоҳлашади [Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010; Махмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси. – Т.: Ижод нашр., 2006]. Ўзбек тилида унли фонемалар сони олтидан кўп, деб ҳисоблайдиган тилшунослар фикрича, /ɪ, ʌ, ʊ, ɔ, ɒ/ унлиларининг ҳар бири тил олди ҳамда тил орқа кўринишларга эга бўлади (олд қатор: /ɪ/, /j/, /ɔ/, /ä/; орқа қатор: /ы/, /у/, /о/, /ə/) ва улар мустикал фонема ҳисобланади [Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тарққиёт босқичлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996; Данияров Х. Опыт изучения джекающих (кыпчакских) диалектов в сравнении с узбекским литературным языком. – Т.: Фан, 1975]. Биз диссертацияда тадқиқот объекти сифатида инглиз ва ўзбек адабий тиллари унлилар тизими танлангани боис биринчи ёндашувни асос қилиб олдик.

кўринишда ифодаланади:	
инвариант	(фонеманинг асосий кўриниши): бир [bɪr];
вариация	(урғусиз бўғинда қисқароқ ва кучсизроқ): бироз [bɪ'roz];
вариация	(CVC, CV-CV тузилишга эга бўғинлардаги икки жарангсиз ундош орасида жуда қисқа талаффуз қилинади) ⁴⁴ : чиқ [tʃɪq], шиши [ʃ(i)ʃi].

